

**УЛГУРЖИ ИСТЕММОЛЧИЛАР УЧУН ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ  
ШАРТНОМАСИ**

20дд йил “16 ынварб.

са -сон

Бүгүншабоб  
Т(Ш)ЭТК номи

Соларжесиң ҲЭТК АЖ  
Күмбөгөтөг тәткіс

асосида фаолият юритувчи

(туман(шахар) электр таъминотии корхонасининг номи)

Раҳбари

Х. Сағифадинов

(кейинги үринларда

(туман(шахар) электр тармоқлари корхонаси раҳбарининг Ф.И.О.)

“Таъминотчи корхона” деб аталади) бир томондан ҳамда \_\_\_\_\_ асосида фаолият

юритувчи Бүгүншабоб Ғүлсан Токтогузлигиги (Жаш Қадуқхона)  
(истеммолчининг номи)

раҳбари Х. Сағифадинов (кейинги үринларда “Истеммолчи” деб аталади),  
(истеммолчи раҳбарининг Ф.И.О.)

иккинчи томондан мазкур шартномани кўйидагилар тұғрисида тұздилар:

### I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

Ушбу электр таъминоти шартномасига (кейинги үринларда - Шартнома деб аталади) мувофиқ, “Таъминотчи корхона” “Истеммолчи”га электр энергиясини уланган тармоқ оркали етказиб бериш ва “Истеммолчи” истеммол килинган энергия учун ўз вактида ҳақ тұлаш мажбуриятини олади.

### II. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯНИ ХИСОБГА ОЛИШ

2.1. Электр энергия истеммолининг йиллик шартномавий ҳажми:

Актив 9727 кВт.с. реактив \_\_\_\_\_ кВар.с.

2.2. Етказиб бериладиган энергияның шартнома тузилған кунидаги умумий нархи 150 сүмни, тариф буйича 4399650 ташкил этади.

тариф түри: табақалаштирилған, бир ставкали ёки ахолига тенгләштирилған, (көреклисі өзілсін)

2.3. “Истеммолчи”га етказиб бериладиган электр энергиясининг ойлар кесимидаги йиллик ҳажми ушбу шартномага 1-иловада келтирилған.

2.4. “Истеммолчи” томонидан истеммол килинган электр энергиясининг ҳақ тұланиши лозим болған ҳажми ушбу шартномага 2-иловада назарда гүтилған хисобға олиш приборларининг курсаткичлари асосида, хисобға олиш приборлари уланған ток ва күчланиши трансформаторларининг трансформация, коэффициентлари инобаттаға олинған холда аникланади.

2.5. Истеммолчиларнинг (майиши истеммолчилар ва табибиркорлық субъектлардан ташкари) электр энергиясини хисобға олиш усқуналари, шунингдек электр энергиясини хисобға олишнинг бошқа воситалари истеммолчининг маблаглары хисобига сотиб олинади, давлат күесловидан үтказилади, худудиң электр тармоқлари корхоналари томонидан белуп үрнатиласы, пломбаланади ва рұйхатдан үтказилади.

### III. ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. Электр энергияси учун хисоб-китоблар бир ставкали, табақалаштирилған, усиси борувчи коэффициент күлланиладиган ёки ахолига тенгләштирилған тарифлар асосида амалға ошириледи.

3.2. Уланған күвваты 750 кВА ва ундан ортиқ бўлған “Истеммолч” (бюджет ташкилотлари, сув таъминоти ташкилотлари, фермер хужаликлари ва сув истеммолчилари

уюшмаларининг насос станциялари, шунингдек Давлат бюджетидан молиялаштириладиган насос станциялари бундан мустасно) электр энергияси учун хисоб-китобларни табакалаштирилган тариф буйича амалга оширади.

Истеъмол килинган энергия учун табакалаштирилган тариф буйича хисоб-китоблар:

яrim тигиз давр – сутканинг ёргу вактида (соат 9<sup>00</sup> дан 17<sup>00</sup> гача) – белгиланган тариф буйича,

тиғиз давр – энг катта юкламали соатларда (ягона электр энергетика тизимининг энг катта юкламали соатлари: эрталабки энг катта микдор соат 6<sup>00</sup> дан 9<sup>00</sup> гача, кечки энг катта микдор соат 17<sup>00</sup> дан 22<sup>00</sup> гача) белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар микдорда үсувчи коэффициентни куллаш орқали;

тунги давр – сутканинг коронги вактида (энг кам юкламали соатларида: 22<sup>00</sup> дан 24<sup>00</sup> гача ва 00<sup>00</sup> дан 6<sup>00</sup> гача) – белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар камаючи коэффициентни куллаш орқали амалга оширилади.

Белгиланган тариф II-тариф гурухи бир ставкали истеъмолчиларга кулланиладиган тарифга тугри келади.

Табакалаштирилган тариф кулланилмайдиган истеъмолчига нисбатан энергия учун хисоб-китобларда бир ставкали тариф кулланилади.

Уланган куввати 750 кВА гача бўлган, электр энергиясини реализация қилишда нархни шакллантиришнинг алоҳида тартиби белгиланадиган ташкилотлар рўйхатига киритилган маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар курсатувчи истеъмолчилар учун тұловлар Хукумат карори билан белгиланадиган тарифлар буйича амалга оширади.

Уланган кувватидан катъий назар, крипто-актив ва майнинг соҳасида фаолиятни амалга оширувчи истеъмолчилар (турли криптовалюталарда янги бирликлар ва комиссия йигимлари форматида мукофот олиш имконини берадиган таксимлаш платформасини таъминлаш ва янги блоклар яратиш буйича фаолият) фойдаланган электр энергияси учун тұловларни тегиши тариф гурухига асосан белгиланган тарифга нисбатан З барабар үсувчи коэффициента гурухига асосан белгиланадиган тарифлар буйича амалга оширилади.

3.3. Бир неча тариф гурухларига мансуб истеъмолчи билан хисоб-китоблар, ҳар бир тариф гурухига алоҳида урнатилган хисобга олиш приборлари курсаткичлари буйича амалга оширилади.

“Истеъмолчи” томонидан алоҳида хисобга олиш приборлари үрнатиш рад қилингандай тақдирда, электр энергияси учун тұловлар фойдаланилған энг юқори тариф гурухи буйича хисоб китоб қилинади.

3.4. “Истеъмолчи” хисоб-китоб даври тугагандан сунг Электр таъминоти корхонаси ваколатли вакили билан биргаликда (мавжуд вазиятдан келиб чиқсан холда) ёки унинг иштирокисиз хисобга олиш приборларининг курсаткичларини ҳар ойда ёзib олади ва ушбу шартноманинг 5-илюясига мувоғик шаклда энергия сарфи буйича хисобот тузади.

“Истеъмолчи” “Таъминотчи корхона”га энергиянинг сарфланиши түгрисидаги хисоботини уз кўли билан, факсимили, электрон ёки почта алоқаси орқали ҳар ойнинг “—” санасигача тақдим этади.

Бунда, тұловларни табакалаштирилган тарифда амалга оширадиган “Истеъмолчи”лар буйича электр энергия сарфи буйича хисоботда фойдаланилған электр энергия (актив ва реактив) тұлық ҳажмидан ташқари тигиз, яrim тигиз ва тунги пайтларда фойдаланилған электр энергия ҳажмлари алоҳида ҳам курсатилиши шарт.

3.5. Электр энергияси учун амалдаги тарифлар үзгарған тақдирда, “Худудий электр тармоқлари” корхонаси уларнинг күчга киришидан камидан 15 кун олдин қарорни оммавий ахборот воситалады әйлон килади.

Бунда электр энергияси учун тарифлар үзгарған санадан катий назар, электр таъминоти шартномаси ўз кучидан қолади ва истеъмолчи фойдаланилған электр энергияси учун янги тариф күчга кирган кундан бошлаб ҳақ тұлашта мажбурдир.

Тариф үзгарған тақдирда, истеъмолчилар электр энергияси (шу жумладан актив ва реактив энергия)нинг аванс тарикасида тұланган ҳажми учун тұлов кунидан бошлаб кейинги бир ойдан ортиқ бўлмаган муддатда күшимча тұлов тұлашдан озод этилади.

Арифметик хатоликлар, тарифларни нотуғри күллаш туфайли пайдо буладиган камва ортикча тұловлар тегишли тариф бүйічә кВт/соатларда қайта хисоблаб чиқилади ва “Таъминотчи корхона” томонидан дағы муддати доирасыда курсаткичлардаги тафовут ёки құшымчалар билан биргаликда хисобға олинади.

3.6. “Истеъмолчи”га электр энергиясы етказиб бериш 100 фоиз олдиндан ҳақ тұлаш асосида амалға оширилади. Бунда, хисоб-китобни 50 фоиз олдиндан ҳақ тұлаш асосида амалға ошириш хохишини билдирган истеъмолчилар хисоб-китоб амалға ошириладиган даврни күрсатиб хисоб-китоб даври бошланишидан камида 5 кун олдин билдиригі тартибида Таъминотчи корхонага мурожаат қылғандардың тақдирда электр энергиясы истеъмолчиларға 50 фоиз олдиндан ҳақ тұлаш асосида етказиб берилишига йўл қўйилади. Олдиндан ҳақ тұланмаган ҳамда 50 фоиз олдиндан ҳақ тұлаётган истеъмолчилар томонидан ойнинг якуний хисоб-китоб амалға оширилмаган ҳолларда мазкур истеъмолчиларға нисбатан электр тармокларидан тулиқ узишгача булған чоралар курилади.

3.7. “Таъминотчи корхона” “Истеъмолчи”нинг энергия сарфи тұғрисидаги хисоботи асосида белгиланған тартибида ҳисоб-китобни амалға оширади ва беш кун ичидә тұлов амалға ошириш учун хисоб-фактура ва тұлов хисоб-варагини тақдим этади.

“Истеъмолчи” түрли тариф гурухларында тегишли бұлған бир нечта обьекттә эга бұлса, ҳар бир тариф гурухы учун тариф күрсатылған ҳолда умумий хисоб-фактура тақдим этадилади.

“Таъминотчи корхона” томонидан махсус дастурий махсулот орқали ҳисоб-фактура ва тұлов хисоб-варагини шакллантирилади ҳамда истеъмолчи тұғрисидаги маълумотлар күрсатылған ҳолда электрон рақамлы имзо билан тасдиқланиб, оператор орқали роуминг операторига юборилади.

(Асos: Узбекистон Республикаси Вазирлар Мажкамасининг 25.06.2019 йылдагы 522-сонги “Узаро ҳисоб-китоблар тизимида электрон шапкада ҳисобверақ-фактуралардан фойдаланышын таоминлаштырып чора-табдиллар тұрғысда”ги қароры)

3.8. Ҳисобга олиш прибори ушбу шартномага З-иловага мувофиқ, электр тармокларининг мансублик баланси бүйічә фарқлап далолатномаси ва томонларнинг эксплуатация жавобгарлігі асосида аникланадиган электр тармогининг мансублик баланси чегарасыда үрнатылмаганда, чегарадан ҳисобға олиш прибори үрнатылған жойгача булған участкада энергияның технологик сарфланиш ҳажми “Истеъмолчи” билан биргаликда хисоблашылуи орқали аникланади ва ушбу шартномага 4-иловага мувофиқ далолатномада күрсатылади.

Бунда, 750 кВА ва ундан юкори күвватта уланған, табақалаштырилған тарифда тұловларни амалға оширадиган “Истеъмолчи” учун энергияның технологик сарфланиш ҳажми сутканинг тиғиз, ярим тиғиз за тунғы пайтлары учун алохидан аникланыб, мутаносиб равишида жами олинған электр ҳажмининг тегишли пайтлары тұлов ҳақини ёзиш учун күшиб борилади. (6-,7-иловаларни реактив қүвватта эга ва технологик броили истеъмолчилар тұлдидіреді).

3.9. Электр энергияси ягона электр энергетика тизимидан транзит бүйічә истеъмолчининг электр тармоги орқали худудий электр тармоклары корхонасияның электр тармогига узатылғанда, истеъмолчы тармокларидагы электр энергиясы технологик сарфнининг бир кисми, истеъмолчининг электр тармогига келип түшгән электр энергиясининг умумий микдорига нисбатан худудий электр тармоклары корхонасияның электр тармогига истеъмолчи томонидан узатылған худудий электр энергиясы микдорига мутаносиб равишида, ягона электр энергетика тизимининг электр тармокларидагы технологик сарфларға үтказилади.

3.10. Электр энергияси сарфи тұғрисидаги хисобот истеъмолчи томонидан тақдим этилмаган тақдирда, худудий электр тармоклары корхонаси томонидан электр энергияси (шу жумладан актив ва реактив энергия) истеъмолининг шартномавий микдори бүйічә ёки үттән ҳисоб-китоб давр учун электр энергияси истеъмолининг ўртача суткалик амалдаги микдори тұрғысидаги маълумотлар асосида ҳисоб-китоб килинади.

Бунда ҳисобға олиш приборлары курсаткичлари назорат тартибида Таъминотчи корхона томонидан ёзіб олинғандан кейин амалда истеъмол килинған электр энергияси учун

кайта хисоб-китоб килинади. Қайта хисоб-китоб истеъмолчи ёки унинг вакили иштирокида ёхуд унинг иштирокисиз белгиланган тартибда амалга оширилади.

3.11. Таъминотчи корхона истеъмолчилар билан биргаликда истеъмол килинган электр энергиясининг амалдаги микдорини аниглаш учун улардаги электр энергиясини хисобга олиш приборлари кўрсаткичларини ҳар ойда ёзиб олиши ва зарур булганда электр энергиясини хисобга олиш приборларини улаш схемасини текшириб кўриши керак. “Истеъмолчи” томонидан электр энергияси сарфи түгрисида “Таъминотчи корхона”га белгиланган шакл бўйича уз кули билан, факсимил электрон ёки поча алоқаси орқали тақдим этилган хисбот юридик шахслар хамда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахслар учун истеъмол килинган электр энергиясининг амалдаги хажмини аниглаш учун асос бўлиб хизмат киласди.

Электр энергиясини хисобга олиш ва назорат килишнинг автоматлаштирилган тизими (ЭҲНАТ) нинг жорий этилиши муносабати билан истеъмолчиларнинг хисобга олиш приборларидаги кўрсаткичлар автоматлаштирилган тизимнинг техник параметрларига мувофик, бироқ бир ойда камида бир марта ёки истеъмолчининг буюртмаси бўйича ёзиб олинади.

“Таъминотчи корхона” “Истеъмолчи”нинг шахсий хисоб-ракам ва хисобга олиш приборларининг холати ҳакида батафсил маълумотлар доимий асосда шакллантирилиши ва идоралароро электрон хамкорлик қилиш тизимига реал вакт режимида юборилишини таъминлади.

3.12. Шартномада ҳисоб-китоб даври учун кўрсатилган энергия микдордан 5 фойздан ортиқ микдорда энергия истеъмол килганда, “Истеъмолчи”дан шартномада кўрсатилган микдордан ортиқ истеъмол килинган электр энергияси жъзми ҳажми учун белгиланган тарифнинг 1,15 баравари микдорида тулов ундирилади.

“Истеъмолчи”нинг электр энергияси ҳакини тулаш, реактив энергия компенсацияси учун тарифга устамалар, шунингдек, ноконуний фойдаланилган электр энергияси қайта ҳисоб-китоби ва пеня бўйича карзи бўлган тақдирда, унинг аванс гулови хисобига утказилган маблагларни карзни коплашга йўналтирилади ва аванс тулови (олдиндан ҳак гулаш) сифатида хисобга олинмайди.

“Истеъмолчи” шартномада курсатилган электр энергияси ҳажмини тулик истеъмол килмаган тақдирда, аванс тарикасида тўланган маблаглар қайтариб берилмайди ва электр энергия учун кейинги ҳисоб-китобларда хисобга олинади.

Ҳисоб-китоб оидидан кейинги календар ой тугагач карздорлик тулов муддати ўтган деб хисобланади ва тўлов муддати ўтган ҳар бир кун учун “Истеъмолчи”га тулов муддати ўтган сумманинг 0,1 фойзи микдорида, электр энергияси маҳсус тартибда етказиб бериладиган корхоналар учун эса 0,2 фойз микдорида пеня хисоблаб ёзилади. Бунда пенянинг умумий микдори, муддати ўтган тўловнинг 50 фойзидан ошмаслиги лозим.

3.13. “Истеъмолчи” ва “Таъминотчи корхона” ҳар ойда ҳисоб-китоб даври тамом бўлгандан кейин беш кун мобайнида узаро ҳисоб-китобларнинг таъкослаш далолагиомасини тузади.

3.14. “Истеъмолчи”ни куйидаги ҳолларда электр тармокларидан узилади:

шартномавий мажбуриятлари бажарилмаганда;

ҳисоб-китоблар ўз вактида амалга оширилмаганилиги оқибатида фойдаланилган электр энергияси учун карздорлик мавжуд бўлганда;

Таъминотчи корхона талабномалари бажарилмаганда, шу жумладан, унинг тегишли вакилларига ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини олишга йўл қўйилмаганда;

ҳисобга олиш приборларини касдан бузганда, кўрсаткичларни узгартириш максадида уларнинг ишлашига ташқаридан аралашиб ҳатти-харакатлар амалга оширилганда;

электр энергиясидан ноконуний фойдаланилгани, электр тармокларига ноконуний уланиш, талон-тарож килиш ёки электр энергиясидан фойдаланиш кондаларини бузишнинг бошқа ҳолатлари аниланганда.

Ягона электр энергетика тизимида электр энергия ва кувватда танқислик вужудга келганда, аварияларга йўл қўймаслик ва истеъмолчиларнинг тартибсиз узib қўйилишининг олдини олиш максадида ҳудудий электр тармоклари корхонаси учирини вактини кўрсатган

холда, истеъмолчилардан рекламалар, иллюминациялар, бино ва иншоотларни ёриттичларини, электр иситиш ва исик сув билан таъминлаш курилмаларини ўчириб қўйинши талаби бажарилмаганда.

3.15. Хисобга олинмаган энергия учун амалга оширилган қайта хисоб-китоб, “Истеъмолчи”ни қонун хужжатларида белгиланган тартибида электр энергиясидан фойдаланиши қоидаларини бузганилик учун жавобгарлиқдан озод этмайди.

3.16. “Истеъмолчи” томонидан қоидабузарлик холати бартараф этилиб, мавжуд қарздорлик ва тўлов пайтидаги базавий хисоблаш микдорининг ўн баравари микдорида тўлов ундирилгандан сўнг тармокга қайта уланади (ЭХНАТга уланган истеъмолчилар бундан мустасно).

3.17. “Истеъмолчи” электр тармокларининг техник холатини таъминлаш бўйича, эксплуатация харажатлари учун субистеъмолчилар, истеъмолчи билан субистеъмолчи ўртасида тузилган алоҳида шартнома бўйича электр энергиясининг умумий хажмидан олинадиган улушга мутаносиб равишда хақ тўлайди.

Эксплуатация харажатларини субистеъмолчига бериладиган электр энергияси тарифига қўшишга рухсат этилмайди.

3.18. “Истеъмолчи” томонидан истеъмол қилинган электр энергияси учун тўлов тарифлари қўйидаги холарда аҳоли учун белгиланган тарифларга тенглаштирилади;

Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 26 апрелдаги “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида” ги ЎРҚ 327-сон Конуннинг 28-моддасига асосан Оилавий корхона турар жойдан бир вактнинг ўзида унда истикомат қилган ҳолда товарлар ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) учун фойдаланган тақдирда электр энергияси ҳакини тўлаш аҳоли учун белгиланган тарифлар бўйича ва шартлар асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2003 йил 10 сентябрдаги 525-ф-сонли Фармойишига асосан Ўзбекистон Республикаси худудидаги диний ташкилотлар 2003 йилнинг 1 сентябридан бошлаб уларга кўрсатиладиган коммунал хизматлар электр энергиясига тўловларни аҳоли учун белгиланган тарифлар бўйича тўлайдилар.

#### IV. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

##### 4.1. Истеъмолчи қўйидаги ҳукукларга эга:

“Истеъмолчи”нинг электр курилмаларини “Таъминотчи корхона” электр тармокларига техник шартларга мувофиқ ўрнатилган тартибида улаш;

сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ ўрнатилган тартибида электр энергиясини олиш;

электр энергияси етказиб берининг тұхталиши ёки тұхтатиб қўйилиши сабаблари тўғрисида белгиланган тартибида ахборот олиш;

“Таъминотчи корхона”га истеъмол қиласиган энергия ҳажмларининг ўзgartирилиши тўғрисида белгиланган тартибида таклифлар киритиш. Бунда энергиянинг шартномадаги ҳажмини ўзgartиришиб бўйича таклиф мўлжалланётган ўзgartиришдан олдин, тегиши миқдор учун 100 % тўлов амалга оширилган тақдирда, 10 кундан кечикмай (жорий ой тугағунгача) берилиши лозим;

электр энергияси тўлиқ ҳажмда етказиб берилмаслиги давлат стандартларига мувофиқ бўлмаган электр энергия етказиб берилиши оқибатида етказилган зарарни белгиланган тартибида қоплатиш;

Шартномани қонун хужжатларига мувофиқ бир томонлама тартибида бекор килиш;

Шартнома бекор қилганда фойдаланилмаган электр энергияси миқдори учун тўланган маблагни кайтарилишини талаб килиш;

Электр энергияси етказиб берилиши тұхтатилганды етказилган зарарни қоплашни талаб килиш;

электр таъминоти шартномасини тузишда ва бажарицда юзага келаётган низоларни хал этиш учун судга, монополияга қарши давлат органига ёки бўйсунуви бўйича юкори органга (манасбдор шахстга) мурожаат килиш;

“Истеъмолчи” қонун хужжатларига мувофиқ бошқа ҳукукларга ҳам эга.

#### 4.2. “Истемолчи” куйидагиларга мажбур:

худудий электр тармоклари корхонаси томонидан белгиланган электр энергиясини истемол килиш режимига риоя этиш;

фойдаланилган электр энергияси (куввати) учун уз вактида хак тулап;

ишлатилаётган электр курилмалари, асбоблар ва асбоб-ускуналарнинг зарур техник холатини ва истемолчиларнинг электр курилмаларини эксплуатация килишда хавфзислик техникаси қоидаларига риоя килинишини тъминлаш, худудий электр тармоклари корхонасига ёки электр тъминоти корхонасига электр асбоб-ускуналарнинг носозлиги түгрисида хабар килиш;

электр энергиясидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

“Узэнергоинспекциясининг”нинг ёзма курсатмаларини уз вактида бажариш;

Электр курилмаларнинг тузилиши қоидалари талабларига риоя этиш; урнатилган тартибида худудий электр тармоклари корхонаси вакилига электр энергиясини хисобга олиш асбобларини кўришига имкон бериш;

йил мобайнида янгидан ишга тушириладиган электр курилмаларидан фойдаланиш бошланишидан камида бир ой олдин электр энергиясининг зарур миқдори учун 100 % олдиндан тұлов амалга оширилган тақдирда “Тъминотчи корхона”га буюртманома бериш;

келгуси йил учун электр энергиясига бұлған эхтиёжни аниқлашда электр энергиясини электр тармокларидан узатиша, ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг (ишлар турларининг) технология жараёни ишлаб чиқариши эхтиёжларига, ишлаб чиқариши бинолари ва матьмурый биноларни ёритиш, иситиш, шамоллатыз учун электр энергия сарфини, шунингдек, ушбу электр тармокларига уланган субистемолчиларнинг эхтиёжини хисобга олиш.

Шунингдеги, уланган куввати 5 МВт ва ундан ортиқ бўлған “Истемолчи” “Тъминотчи корхона”нинг талабига кўра куйидагиларни хисобга олиши ва бу ҳақида хабар бериси шарт:

истемол килинаётган кувватнинг ҳар суткалик, ҳар ойлик сарфи ва амалдаги миқдори;

ягона электр энергетика тизимининг энг күп ва энг кам юкламали дәврларида реактив энергия ва кувватнинг ҳар суткалик сарфи;

ягона электр энергетика тизимининг энг күп юкламасининг ўтиш даврида актив энергия (кувват)нинг ҳар 30 дакикадаги сарфи.

Уланган куввати 250 кВА ва ундан ортиқ бўлған истемолчилар юкорида курсатилган мажбуриятлар билан биргаликда куйидагиларга мажбур:

маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариши (ишларни амалга ошириш) учун электр энергияси сарфининг техник ва иқтисодий жиҳатдан асосланган илғор нормаларини ишлаб чиқиши - умумий ишлаб чиқариши ва технологик; якка тартибдаги ва гурух буйича; йиллик, чораклик ва ойлик - уларни ишлаб чиқаришини тацкил этиши технологияси тақомиллаштирилиши (узгартрилиши) ва янги техника жорий этилишига қараб қайта куриб чиқиши;

корхона буйича, шу жумладан күп энергия сарфлайдиган ускуналар, цехлар ва истемолчилар гурухлари буйича электр энергияси балансларини тузиш ҳамда улар асосита ишлаб чиқариши жараёнларида электр энергиясидан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил килиш, электр энергиясининг самараасыз сарфланиши ва истроф булишини аниқлаш, уларни камайтириш ва бартараф этиши буйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиши ва амалга ошириш;

келгуси давр учун электр энергиясига бўлған эхтиёжни ва электр тармокларининг энергия утказиш қилиятини ошириш, электр тъминоти схемаларини тақомиллаштириши заруриятини аниқлаш максадида (маҳсулот ишлаб чиқаришининг, бажариладиган иш турларининг мулжалланайтган прогноз хажмларидан ва электр энергияси сарфи мъёлларидан келиб чиқиб, уларни камайтириши ва электр энергиясини тежашини хисобга олган холда) электр энергиясининг бир йил ва келгуси давр учун балансларини тузиш;

маҳсулот (ишлар) бирлигига электр энергияси сарфининг тасдиқланган мъёлларига риоя килиш ва уларни камайтириш буйича белгиланган тадбирларнинг бажарилишини тъминлаш;

электр энергиясини тежаш буйича (йиллик ва узок истиқбол учун) ташкилий-техник тадбирларни ишлаб чишиш ва амалга ошириш.

“Истеъмолчи” “Таъминотчи корхона” томонидан белгиланган энергия истеъмолини чеклаш жадвалини бажариши шарт.

“Истеъмолчи” конун хужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга.

4.3. “Таъминотчи корхона” кўйидаги хукукларга эга:

“Истеъмолчи”дан шартномада белгиланган ўз мажбуриятларини лозим даражасида бажаришини талаф этиш;

ушбу шартнома шартлари бажарилмаганда ёки бузилганда “Истеъмолчи” томонидан етказилган амалдаги зарарни белгиланган тартибда коплатиш;

авария режимида “Истеъмолчи”ни электр тармоғидан узиб кўйиш;

ЭҲНАТга уланган ёки электр энергиясига олдиндан ҳак тӯлаш курилмасига эга хисобга олиш прибори бўлган истеъмолчини олдиндан тўланган ҳак тугаганда электр тармоқларидан узиш.

Электр тармоғи хўжалиги обьектларидаги аварияларнинг олдини олиш ва бартараф этиш ёки одамларнинг хавфсизлигини таъминлаш ишлари билан боғлиқ кечикириб булмайдиган чора-тадбирларни куриш зарурати булганда, “Истеъмолчи” билан келишмасдан ва уни огоҳлантиримасдан энергия етказиб берини тұхтатиш ёки чеклаш.

“Таъминотчи корхона” конунчиликка мувофиқ бошқа хукукларга ҳам эга.

Мазкур шартномага асосан “Истеъмолчи”ни электр тармоқларидан узилгандан кейин юзага келган холат учун “Таъминотчи корхона” жавобгар бўлмайди.

4.4. “Таъминотчи корхона” кўйидагиларга мажбур:

“Истеъмолчи”га электр энергиясини электр тармоғи орқали электр тармоқларининг баланс буйича мансублик бўлиниш чегарасигача шартномада кўрсатилган хажмда мунтазам етказиб бериш;

ускуналар, электр узатиши линияларини, хисобга олиш приборларидан фойдаланиш, уларга техник хизмат курсатиш ва таъмирлаш, шунингдек, ўз электр хўжалиги обьектларидаги носозликларни бартараф килиш;

электр тармоғи хўжалиги обьектларини режали таъмирланиши туфайли электр энергияси билан таъминлашдаги мумкин булган узилишилар тұғрисида камида 3 кун олдин огоҳлантириш;

“Истеъмолчи”ни электр энергиясини етказиб берилши тұхтатилиши ва тұхтатилиши сабаблари тұғрисида хабардор килиш (Истеъмолчи масъуль ходимларини уяли алока воситаси орқали (телефонограмма), овозли хабар, телеграм хабарнома, СМС хабар орқали ёки ёзма тарзда);

киритилаётган чеклашлар тұғрисида, чеклашларни хажми ва вакти кўрсатилган холда “Истеъмолчига” олдиндан хабар бериш;

электр энергияси тулиқ етказиб берилмаганлиги ёки электр таъминотидаги бошқа бузилишилар тұғрисидаги “Истеъмолчи”нинг аризасини, ариза олинган кундан бошлаб 10 кундан кечиктиримай куриб чишиш, бартараф этиш ва батафсил жавоб юбориш;

“Истеъмолчи”га урнатылган тартибида етказиб берилган энергия хисобини юритиш;

“Истеъмолчи”нинг белгиланган тартибда киритилген таклифларига мувофиқ беш кун муддатда электр энергиясининг ойлиз шартномавий ҳажмига ўзгартышилар киритиш, электр энергиясининг ойлик шартномавий миқдорини кўпайтириш (камайтириш) мумкун бўлмаган тақдирда - бу хакида, рад этиши сабабини кўрсатган холда, истеъмолчига хабар килиш;

“Истеъмолчи”да урнатылган хисобга олиш приборларини алмаштириш ва үрнатиш, пломбалашни таъминлаш;

давлат стандартига мувофиқ булган электр энергиясини етказиб бериш.

Таъминотчи корхона конунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга.

## V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Электр таъминоти шартномаси буйича тарафлар Узбекистон Республикаси қонунчилигига белгиланган тартибда жавобгар бўлади шунингдек, шартнома шартлари

бажарилмаган ёки тегишли тарзда бажарилмаган холларда, “Таъминотчи корхона” бунинг натижасида етказилган ҳақиқий зарарни қоплашга, “Истеъмолчи” эса етказилган ҳақиқий зарарни қоплашга мажбур.

5.2. “Таъминотчи корхона” “Истеъмолчи” олдида моддий жавобгар бўлмайди агар:

“Истеъмолчи” электр энергияси истеъмолининг белгиланган режимига риоя килмай, электр энергияси истеъмоли ёки кувватининг шартномавий микдоридан ошиб кетишига йўл кўйганда, “Таъминотчи корхона” томонидан белгиланган электр энергияси чеклаш жадъи бажармагани туфайи паст сифатли электр энергияси етказиб берилганлиги учун;

захира маъбаи автоматик ишга тушганда, автоматик кайта улаш ва автоматик тарзда частотани созлаш билан боғлик учириншлар вактида электр энергиясини етказиб бериш борасидаги танаффуслар учун;

электр энергияси ишлаб чиқарувчи (ИЭС, ГЭС) ва уни магистрал тармоқ орқали етказиб берувчи (МЭТ) корхоналар томонидан электр таъминотида узилишлар бўлганда.

5.3. Томонлар уларнинг хоҳиши ва харакатларига боғлик бўлмаган табиий оғатлар ёки ижтимоий-иктисодий вазиятлар сабабли ушбу шароитларда кайтариб бўлмайдиган ва олдиндан билиб бўлмайдиган фавқулодда ҳолатларни уз ичига олган енгиг бўлмас куч (форс-мажор) оқибатига ўз зиммасига олинган мажбуриятларни бажара олмаса, томонлардан хеч бири ўз мажбуриятларини тўлиқ ёки кисман бажармагани учун жавоб бермайди.

5.4. Мазкур шартномани бажариш жараённида юзага келадиган барча келишмовчилик ва низолар музокара ўтказиш орқали ҳал килинади. Келишмовчиликларни музокара ўтказиш орқали ҳал килишининг иложи бўлмагандан, улар қонунчиликда белгиланган тартибида ҳал килинади.

5.5. Электр энергияси ягона электр энергетика тизимидан транзит бўйича истеъмолчининг электр тармоғи орқали ҳудудий электр тармоқлари корхонасининг электр тармоғига узатилганда, истеъмолчи тармоқларидаги электр энергияси технологик сарфининг бир кисми, истеъмолчининг электр тармоғига келиб тушган электр энергиясининг умумий микдорига нисбатан ҳудудий электр тармоқлари корхонасининг электр тармоғига истеъмолчи томонидан узатилган электр энергияси микдорига мутаносиб равишда, ягона электр энергетика тизимиning электр тармоқларидаги технологик сарфларга ўтказилади.

## VI. ЯКУНИЙ ШАРТЛАР

6.1. Шартнома 20 \_\_\_\_ йил \_\_\_\_ гача бўлган муддатта тузилади.

Шартноманинг амал килиш муддати тугаганда, томонлардан бири уни узайтириш ёки бекор килиш бўйича ариза бермаган бўлса, шартнома кейинги ҳар бир йилга узайтирилган хисобланади (Бюджет ташкилотлари бундан мустасно). Ариза ушбу Шартноманинг амал килиш тугашидан бир олдин такдим этилиши лозим.

6.2. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган ва томонларнинг ҳар бирида сақланаётган икки (Бюджет ташкилотлари учун уч) нусхада тузилган. Шартноманинг иловалари унинг ажралмас кисми хисобланади.

6.3. Томонларнинг бирини ташаббуси билан шартномани муддатидан олдин бекор килиш, иккинчи томонни бекор килиш муддатидан ўттиз кун олдин ҳабардор қилган холда ва томонлар ўзаро хисоб-китоб килиши шарти билан бекор килиниши мумкин. Бекор килиш тўгрисида хабарнома ёзма равишида юборилади.

6.4. Барча ўзгартирниши ва куushimaлар, агар улар факат ёзма равишида амалга оширилиб, томонларнинг ваколатли шахслар томонидан имзоланган бўлса, ҳақиқий хисобланади.

6.5. мазкур шартнома талабларида назарда тутилмаган тартиб – коидалар Вазирлар Махкамасининг 2018 йил 12 январдаги 22 сон қарори билан тасдиқланган Электр энергиясидан фойдаланиш коидалари ҳамда бошқа амалдаги норматив – хукукий хужжатлар талабларига мувофиқ тартибга солинади.

## VII. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

ИСТЕЙМОЛЧИ: *Жумрайот Гулиев Докибекови  
(холат изобуликонади)*

Юридик манзили *Р.Гумай, 1142а 3 чи*  
Хисобраками *100055260181762011201018001*  
Банк коди (МФО) *00014* STIR (ИНН) *200 250626*  
Республика ва маҳаллий бюджетдан молиялаштириладиган Истеъмолчилар учун:  
Бюджет фондининг хисобраками *13401000300100001010*  
Банк коди (МФО) *00014* STIR (ИНН) *200 250626*  
Бюджетдан ташкиари фонднинг хисобраками  
Банк коди (МФО) \_\_\_\_\_ STIR (ИНН) \_\_\_\_\_  
КҚС тұловчинин коди \_\_\_\_\_  
Телефонлар: \_\_\_\_\_ Факс: \_\_\_\_\_ e-mail: \_\_\_\_\_  
(Истеъмолчининг, шу жумладан раҳбарининг уяли, факс телефонлари коди электрон манзит ёзилади)

Кадастр рақами \_\_\_\_\_

### Статистик кодлар:

IFUT (ОКЭД) \_\_\_\_\_  
DBIBT (СООГУ) \_\_\_\_\_  
MNOBT (СОАТО) \_\_\_\_\_  
(КФС) \_\_\_\_\_  
TSHK (КОПФ) \_\_\_\_\_

### ТАЪМИНОТЧИ КОРХОНА:

Почта манзили *Кучумрайот г. Бурдымас 10*  
Хисобраками *230 36000 8026 011204 386*  
Банк коди (МФО) *00317* STIR (ИНН) *200 613 520*  
КҚС тұловчинин коди \_\_\_\_\_  
Телефонлар: *66 646-13-39* Факс: *66 646-13-46*

Статистик кодлар:

DBIBT (СООГУ) \_\_\_\_\_  
MNOBT (СОАТО) \_\_\_\_\_



Таъминотчи корхона:



### ЮРИСТКОНСУЛЬТ ҲУЛОСАСИ

Мазкур электр энергиядаған фойдаланыш шартномаси \_\_\_\_\_  
юристконсульт \_\_\_\_\_

Ф.И.Ш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги 22-сонли карори талабларига мувофиқ тузилган. Томонлар ўртасида мазкур шартномани тузиш учун Ўзбекистон Республикасининг конунчилик талаблари монийлик килмайди. Шартнома иштирокчиларининг хуқуқ ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикасининг Фукаролик кодекси ва "Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий хукукий базаси түгрисида"ти конуни талабларига жавоб беради. Шартнома шартлари юзасидан келип чиши мумкин булган жавобгарлик масаласи томонлар ўртасида конуний келишилган. Шартнома юзасидан шартнома иштирокчилари ўртасидаги низоларни ҳал килишибелгиланган.

Юристконсульт: \_\_\_\_\_  
(иззоси)

Электр таъминотининг шартномасига  
1 - илова

**Етказиб бериладиган энергия хажми**

1. Тариф гурухи \_\_\_\_\_
2. Фаолият тури \_\_\_\_\_
3. “Истеммолчи” электр курилмаларининг уланган қуввати: \_\_\_\_\_ кВА (кВт)
4. Техник шарт буйича рухсат берилган қувват \_\_\_\_\_ кВт
5. Электр таъминоти ишончлилиги буйича тоифаси (лоийха буйича) \_\_\_\_\_
- Электр таъминоти ишончлилиги буйича тоифаси (амалда) \_\_\_\_\_
6. Ҳисоб-кигоб тури: \_\_\_\_\_

тариф тури: табакалаштирилган, бир ставкали ёки ахолига тенглаштирилган (көраклар ёзилсин)

Давр	Энергия хажми минг. кВт.с	Шу жумладан, тариф гурухлари буйича			
		I	II	III	IV
Йил, жами					
Январь					
Февраль					
Март					
Апрель					
Май					
Июнь					
Июль					
Август					
Сентябрь					
Октябрь					
Ноябрь					
Декабрь					

Ташкилот кунига фойдаланади \_\_\_\_\_ соат, ойга \_\_\_\_\_ кун

Умумий юкламага нисбатан сменалар буйича юкланиш % ҳисобида I \_\_, II \_\_, III \_\_



Электр таъминотининг шартномасига  
2 - илова

Энергияни хисобга олиш приборлари урнатилган жойлар ва уларнинг тавсифлари

“Истемолчи”нинг (суб“Истемолчи”нин г) хисобга олиш прибори урнатилган жойлар, турни ва кучланыш тоифаси (kВ) курсатилган холда	Хисобга олиш прибори түри (актив), (номинал токи)	Хисобга олиш прибори раками	Хисобга олиш прибори клемма көпкөйдаги пломбанинг раками	Улчов трансформатор- ларининг трансформация коэффициенти		Хисоб-жизоб коэффициенти	Хисобга олиш приборининг шартнома тузилган кунданги курсаткичла- ри хисоблагич курсаткичи	Тариф түри сум/ 1 кВт.с.
				Ток	Кучла- ниш			

Имзолар:

Истемолчи:

M. Ў.

( ИМЗО )

Таъминотчи корхона:

M. Ў.  
(ИМЗО)

Электр таъминотининг шартномасига  
3 - йилова

Томонлар электр гармоқларининг баланс мансублиги  
ва эксплуатация килиш буйича масъуллик чегараси  
ДАЛОЛАТИНОМАСИ

Изоҳ: Хар бирд электр энергияси хисобга олиши прибори учун алоҳида 3 ва 4-йловалар тузилади

Хисобга олиши прибори давлат рақами \_\_\_\_\_ ток трансформатори \_\_\_\_\_ кучланниш  
трансформатори \_\_\_\_\_ ўқами кофициент \_\_\_\_\_ уланган қуввати \_\_\_\_\_ кВт

Хисобга олиши прибори ўрнатилган манзил \_\_\_\_\_

ижахар, кфий, мифий, кучка уй рақами

1. Тариф гурухи \_\_\_\_\_ Фаолият тури \_\_\_\_\_  
Труба ишл.чек., Шлакоблок, Гишил, Пленка ишл.чек., Акфа чеки, Насос, Савдо, Кафе, Ошхона, Устахона ва...???

1. “Истъемолчи”нинг балансида кўйидаги электр қурилмалар мавжуд:

a) хаво электр тармоғи \_\_\_\_\_

б) кабель электр тармоғи \_\_\_\_\_

в) подстанциялар, трансформатор подстанциялари ТП рақами \_\_\_\_\_ кВА

2. “Истъемолчи” ва “Таъминотчи корхона” ўргасидаги электр тармоқларнинг баланс буйича  
мансублик чегараси \_\_\_\_\_

3. Улардан кўйидагиларга:

a) \_\_\_\_\_ хизмат курсатиш “Истъемолчи” ходимлари томонидан,

б) \_\_\_\_\_

“Истъемолчи” билан тузилган “Техник хизмат курсатиш” № \_\_\_\_\_ сана \_\_\_\_\_ и.  
шартномаси асосида электр таъминоти корхонаси ходимлари томонидан хизмат  
курсатилади. “Техник хизмат курсатиш” шартномаси тузмаса \_\_\_\_\_  
томонидан хизмат курсатилмайди.

4. Электр қурилмаларнинг ҳолати ва уларга хизмат курсатиш буйича жавобгарлик  
чегараси кўйидагича белгиланди:



Вакиллар:

Истъемолчи

(имзо)

М.ў.

Таъминотчи корхона

(имзо)

М.ў.

U. Rasimov (F.I.N.)

(Ф.И.Н.)

(Ф.И.Н.)

Kurolos QFY.



Электр таъминотининг шартномасига  
4 - илова

**Энергияни йўқолишиларини аниқлаш бўйича  
ДАЛОЛАТНОМА**

Энергия хисобга олиш приборлари электр тармокларининг баланс бўйича мансублик чегарасида ўрнатилмаганда, электр тармокларининг баланс бўйича мансублиги чегараси хисобга олинган холда мансублик чегарасидан хисобга олиш прибори ўрнатилган жойгача бўлган кисми хисоблаш юли билан аниқланади ва куйидагиларга хисобланади:

а) Куввати \_\_\_\_\_ кВА бўлган трансформаторлардаги ойлик актив энергиянинг йўқолишилари \_\_\_\_\_ кВт.coat ёки \_\_\_\_\_ %, реактив энергия йўқолишилари \_\_\_\_\_ кВАр.coat ёки \_\_\_\_\_ % ташкил этади;

б) Истемолчининг кабель линияларидаги ҳар ойлик энергияни йўқотиш:

Узунлиги \_\_\_\_\_ М;

Кесим юзаси \_\_\_\_\_ ММ<sup>2</sup>;

Русуми \_\_\_\_\_

Кучланиши \_\_\_\_\_ кВ бўлса, \_\_\_\_\_ кВт.coатни, ёки \_\_\_\_\_ % ташкил этади;

в) Истемолчининг хаво линияларидаги ҳар ойлик энергия йўқолишилари:

Узунлиги \_\_\_\_\_ М;

Кесим юзаси \_\_\_\_\_ ММ<sup>2</sup>;


Русуми \_\_\_\_\_

Кучланиши \_\_\_\_\_ кВ бўлса, \_\_\_\_\_ кВт.coатни, ёки \_\_\_\_\_ % ташкил этади.

Энергияни ҳар ойда жами йўқотишлар ҳажми хисоб давридаги энергия сарфининг \_\_\_\_ фоизини ташкил этади.

Ушбу Шартноманинг 3.8 бандига асосан юкорида курсатилган энергия йўқолишилари Истемолчининг ҳар хисоб-китоб даври учун, хисоб-китоб давридаги амалдаги энергия истемолидан ва 1-иловада курсатилган ойлик шартномавий энергия микдорларидан келиб чикиб аниқланади.

Таъминотчи корхонанинг электр тармоклари ва уйларнинг ички электр тармокларининг булиниш чегарасидан умумий мулк хисобланадиган ушбу тармоклардан таъминланадиган маниший истемолчиларнинг электр энергиясини хисобга олиш ускуналаригача бўлган электр тармокларидаги электр энергияси йўқотишлари хисоб-китоб килиш йўли билан аниқланади ва уй-жой мулкдорларди ширкатлари истемолига қаратилиади.



Истемодчи:

M.У. (Имзо)

Имзолар:

Таъминотчи корхона:

M.У. (Имзо)

## Электр таъминотининг шартномасига 5-илова

## Энергия (актив, реактив) сарфи буйича ХИСОБОТ

20 йил ойи буйича

Күрсакчылар қайд этилган сана « » 20 йил.

Изох: 7 устун - 6 устун - 5 устун, табакалаштирилган хисоб учун назорат раками 8 устун = 7 устун \*4 устун.  
8 устун - 9 устун +10 устун +11 устун +12 устун +гр13 устун

## Истемолчи раҳбари

M. Ž.

Ф.И.Шимзоси

## Таъминотчи көрхона энергетиги



Электр таъминотининг шартномасига  
6 - илова

**Компенсация курилмаларининг ишлаш режими**

**1. Компенсация курилмаларининг белгиланган куввати**

Т/р №	Компенсация курилмаларининг турлари	Куввати	Уланиш вақти		Жами
			Эртабаб	Кечкүрун	
1.	Конденсаторлар, кВАр 1000 Вгача 1000 Вдан юкори, жумладан:				
1.1.	Автоматик бошқариладиган: 1000 Вгача 1000 Вдан юкори,				
1.2.	Қўлда бошқариладиган: 1000 Вгача 1000 Вдан юкори,				
2.	Синхрон двигателлар - (СД), кВт				
3.	СДнинг реактив куввати, кВар (СДнинг ўрнатилган кувватининг 30 фоизи, кВт)				
4.	Жами (16.+36.) кВАр: 1000 Вгача 1000 Вдан юкори.				

*ИЗОХ: авторејсимда ишлайдиган конденсаторлар курилмалари билан жиҳозланган ташкилотлар уланиши вақтларини тўлдириши шарт эмас.*

## 2. Реактив энергиянинг иктисодий миқдори

Йил, ой	Реактив энергиянинг иктисодий миқдори (кВАр.соат)	Шу жумладан тариф түрүхлари буйича		
		I	II	IV
Январь				
Февраль				
Март				
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				

Реактив энергиянинг ҳар бир ҳисобот даври учун иктисодий киймати, ушбу Шартномада курсатилган ва урнатилган тартибда аниқланадиган кувват коэффициентининг оптимал миқдори ҳисобга олинниб, ушбу давр учун актив энергиянинг шартномадаги миқдоридан келиб чиккан холда аниқланади.

Ҳисобот динорининг якуни буйича реактив энергия иктисодий кийматининг амалдаги миқдори истеммол килинган актив энергия на кувват коэффициентининг шартномавий миқдоридан келиб чиккан холда аниқланади.

Тарифга устама кўшилган киймат солиги ҳисобга олинмаган холда фаол энергиянинг амалдаги тарифи буйича:

5% - реактив энергиядан иктисодий киймат доирасида фойдаланилганда, бу амалда истеммол килинган актив энергияни куният коэффициентининг шартномавий миқдоридан келиб чиккан холда аниқланади;

10% - реактив энергиядан иктисодий киймат миқдоридан ортик фойдаланилганда, бу амалда истеммол килинган актив энергия на кувват коэффициентининг шартномавий миқдоридан келиб чиккан холда аниқланади;

Реактив энергия компенсацияси учун электр энергияси тарифига устамалар жарима санкцияси ҳисобланмайди на электр тарминоти шартномасига асоссан ундирилади.

Реактив энергия ўрни етарличи тўлдирилмаслиги ҳисобга кувват коэффициентининг норматив киймати Истеммолчи томонидан кўзлаб-куватлансалиги аниқланади, худудий электр тармоқлари корхонаси томонидан конун хужжатларида белгилантган тартибда актив электр энергия йўколиши кийматининг техник-иктисодий ҳисоб-китоблари амалга оширилади, шуннингдек, кувват коэффициенти курсаткичлари белгиланганди нормативларга нисбатан пасайтирилганлиги учун Истеммолчилардан кушимча маблағлар ундирилади.

Бунда ҳисоб-китоблар ва кўзимчима маблагни ундириш ҳисоб-китоб даврида Шартномада курсатилганига нисбатан Истеммолчи томонидан кувват коэффициентининг амалдаги кийматини ласайтиришга йўл куйилганилиги тўғрисида "Ўзэнергоинспекция"нинг тасдиқлови бўлганда амалга оширилади.

Тариф чегирмалар истеммолчи ягона электр тизими тармоғида электр тармоғининг катта юкламали соатларда реактив энергия хосил кишилганда ва электр тармоғининг кичик юкламали соатларда энергия тизими тармоғидан реактив энергия истеммол килинганда, агар Истеммолчининг бундай режимида ишлаш зарурати Шартномада курсатилган бўлса, тақдим этилади.

Четирма кўшилган киймат солиги ҳисобга олинмаган холда актив энергия учун амалдаги тарифнинг 15% миқдорида белгиланади.

Истеммолчи:

(Имзо)

М. Ў.

Тарминотчи корхона:

(Имзо)

М. Ў.

Электр таъминотининг шартномасига

7 - илова

**Авариявий ва технологик бронни аниқлаш буйича  
ДАЛОЛАТНОМА**

Истеъмолчининг

иштирокида тузилди.

Ягона электр энергетикаси тизимида узок муддатли ёки киска муддатли кувват танқислиги юзага келганда Истеъмолчи куйдагиларни бажариши керак:

1. Ускуна юкламасини технологик брон даражасигача пасайтириш:

T/p №	Технологик бронига тааллукли цехлар ва агрегатлар номи*	Ишда колдирилган юкламалар куввати (кВт)	Изоҳ
1.			
2.			
3.			
4.			

Жами: \_\_\_\_\_ кВт

\*а) Барча цехлар ва агрегатлар зудлик билан учирлади. Учирилиши яроксиз маҳсулот ишилаб чиқарилиши, ускунанинг бузилиши, портгали, ёнгин, заҳарланиши ва бошка баҳтисиз ҳодисаларга олиб келувчи цехлар ва агрегатлар бундан мустасно.

б) Технологик бронга шунингдек авария бронига тааллукли цехлар ва агрегатлар ҳам киради (2-бандга қаранг.)

Технологик бронни чеклаш босқичлари:

I босқич \_\_\_\_\_ кВт

II босқич \_\_\_\_\_ кВт

III босқич \_\_\_\_\_ кВт

IV босқич \_\_\_\_\_ кВт

2. \_\_\_\_\_ утганидан кейин цехлар ва агрегатлар авария брони даражасигача узиб куйлади.

T/p №	Авария бронига тааллукли цехлар ва агрегатлар номи*	Ишда колдирилган юкламалар куввати (кВт)	Изоҳ
1.			
2.			
3.			
4.			

Жами: \_\_\_\_\_ кВт

\* а) Ўчирилиши сув таъминоти, алоқа воситалари ишининг тұхташига, иситии тизимишине музлаб колишига олиб келувчи цехлар ва агрегатлар, ҳамда құрықлаш ёртігичлари электр тармогидан узилмаған ҳолда колдирилади.

б) Енгина қараша захіра насылар ва бошқа ёнгинга қараша агрегатлар авария бронига кирмайды (уишу агрегатлар, заруратта қараб, олдиндан Газмийотчи корхона билан келишилгап ҳолда рұйхаттаға киритилиши мүмкін).

Имзолар:

Истеъмолчи:

M.Ú. (Имзо) M.Ú. (Имзо)

Таъминотчи корхона:

